



# РАҚАМЛАР ТИЛГА КИРГАНДА...

**ёхуд Наманган вилоят Уй-жой коммунал хизмат қўрсатиш бошқармаси  
томонидан амалга оширилган ишлар**

Ўзбекистондаги энг ривожланган, гўзал мас-канлардан бири бўлган Наманган вилоятининг ўтган йилларда саноат салоҳиятини ривожлантириш дастурига мувофиқ кўплаб инвестиция лойиҳалари амалга оширилди. Уларнинг орасида 1 800 мегаватт электр энергияси ишлаб чиқаришга мўлжалланган умумий қиймати 2 миллиард 1 миллион долларга тенг Тўрақўрғон иссиқлик электр станцияси муҳим аҳамиятга эга. Мазкур электр станцияси вилоятдан ташқари бутун Фарғона водийси аҳолисини электр энергияга бўлган эҳтиёжни қондириш имкониятига эга.

Кўриниб турибдики, аҳоли фаровонлигини таъминлаш, уларнинг уй-жой коммунал хизматларига бўлган талабини қондириш мақсадида ҳукуматимиз томонидан қабул қилинган қатор қонун ва қарорларнинг амалдаги ижросини таъминлаш йўлида кўплаб хайрли ишлар амалга оширилди.

Наманган вилояти Уй-жой коммунал хизмат қўрсатиш бошқармаси тизимида вилоят “Сувоқава”, “Иссиқлик манбаи”, “Таъмирлаш-тиклаш

хизмати” “Ягона ҳисоб-китоб маркази” давлат унитар корхоналари ва уларнинг шаҳар ва туманлар бўлимлари фаолият қўрсатмоқда.

Наманган вилояти худудида жами 1175 та кўп қаватли уйлар мавжуд бўлиб, уларга 342 та хусусий уй-жой мулқдорлари ширкатлари хизмат қўрсатади.

2017-2018 йиллар давомида Дастур доирасида кўп қаватли турар жой биноларининг жорий ва мукаммал таъмирлаш, ҳамда уларга туташ худудларини ободонлаштириш мақсадида 603 та уй-жойлар мукаммал ва жорий таъмирланди.

2019 йил давомида 107 та кўп қаватли уйларда жорий ва мукаммал таъмирлаш, худудларини ободонлаштириш, 66 та болалар майдончаси қуриш ва таъмирлаш ишларини амалга ошириш белгиланган.

Ушбу мақсадларга тижорат банклари томонидан 8,2 млрд. сўм, маҳаллий бюджет ва Уй-жой коммунал хўжалигини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан 5,7 млрд. сўм маблағлар ажратилиши режалаштирилган.

Шу билан биргаликда, аҳолини тоза ичимлик

суви билан таъминлашда бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Яъни Бошқарма тизими даги "Сувоқава" давлат унитар корхонаси тасаруфида 102 та иншоот мавжуд бўлиб, сув олиш иншоотларининг лойиҳавий қуввати кунига 493,3 минг м<sup>3</sup> ни ташкил этади.

Корхона вилоятдаги 348 та маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудида ичимлик сув таъминоти бўйича хизмат кўрсатади. Маҳаллаларнинг 83 фоизи ичимлик суви билан таъминланган. Шунингдек, Наманган шаҳри ва 8 та туман марказидаги оқава сувларни тозалаш ишларини ҳам бажаради. Оқава сув хизмати кўрсатиладиган ҳудудларда яшовчи аҳолининг 21,2 фоизи оқава сув хизматларига уланган.

Маълумки, мамлакатимизда сув таъминоти ҳамда канализация тизимларини давлат-хусусий шериклик шартлари асосида бошқарувга бериш бўйича зарур ҳужжатларни тайёрлаш ва танлов ўтказиш Президентнинг маҳсус қарори билан белгиланган. Ана шу мақсадда Швейцария Ҳукумати грант маблағлари ҳисобидан Наманган вилоятининг Уйчи тумани Файрат қишлоғида, Чуст тумани Баймоқ қишлоғида, Косонсой тумани Ободон қишлоғида ичимлик сув таъминотини яхшилаш бўйича ишлар амалга оширилиб, маҳалла фуқаролар йиғинлари қошида нодавлат нотижорат ташкилотларини ташкил этган ҳолда ичимлик сув тизимларини бошқариш янгича тизимга ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчилари бошчилигига республика ишчи гурӯҳлари томонидан вилоятдаги туманларда аҳолининг яшаш шароити, уларни қийнатган муаммолар ўрганилганда вилоят "Сувоқава" ДУК хизмат ҳудудида ичимлик сув таъминоти бўйича аниқланган муаммоли ҳолатларни бартараф этиш мақсадида 88,3 км ичимлик сув тармоқлари тортилди, 22 та насос агрегатлари ўрнатилди ва 5 та трансформаторлар мукаммал таъмирланди. Мазкур ишларни амалга ошириш учун вилоят маҳаллий бюджети ҳисобидан 6751 млн.сўм маблағлар молиялаштирилди. Бунинг натижасида 13649 та хонадонда яшовчи 59582 нафар аҳолини ичимлик сув таъминоти яхшиланди.

Шу билан биргаликда, жорий йилда Инвестиция дастури доирасида вилоятга ичимлик сув ва оқава хизматларини яхшилаш мақсадида жами 57,4 млрд. сўм марказлашган маблағлар ажратилиши белгиланган.

Бундан ташқари умумий қиймати 73,0 млн. АҚШ долларини, жалб этиладиган кредит миқдори 60,0 млн. АҚШ долларини ташкил этувчи "Наманган шаҳри ичимлик сув тизимларини модернизация қилиш" лойиҳасини 2019–2023 йилларда Европа тикланиш ва тараққиёт банки маблағлари ҳисобидан амалга оширган ҳолда

ичимлик сув иншоотлари қувватини кунига 410 минг м<sup>3</sup> га етказиш, 55,2 км ичимлик сув қувурларини қуриш ва реконструкция ишларини амалга ошириш кўзда тутилган.

Мазкур лойиҳа доирасида Наманган шаҳри ва унга чегарадош Уйчи, Чорток, Наманган ва Янгиқўрғон туманлари аҳоли пунктларида яшовчи аҳолининг ичимлик сув таъминоти даражасини ҳозирги 69,3 фоиздан 90 фоизга етказилиши кутилмоқда.

Шунингдек, умумий қиймати 71,0 млн. АҚШ доллари, жалб этиладиган кредит миқдори 54,0 млн. АҚШ долларини ташкил этувчи ҳамда 2019–2023 йилларда амалга оширилиши кўзда тутилган "Наманган вилоятининг Заркент, Хўжакент, Исковот, Булоқбоши, Бўстон, Ёшлиқ аҳоли пунктлари ва Наманган шаҳри ичимлик сув таъминоти тизимларини яхшилаш" лойиҳасининг молиялаштириш масаласи жорий йилнинг март ойида ОПЕК жамғармаси Директорлар кенгаси



йиғилишида кўриб чиқилди ва кенгаш томонидан лойиҳани молиялаштиришга розилик берилди. Ҳозирда Ўзбекистон Ҳукумати ва Фонд ўртасида қарз келишуви (займ) имзолаш бўйича ишлар ташкил этилмоқда.

Бундан ташқари "Наманган вилояти Чуст, Поп, Чорток, Наманган ва Тўракўрғон туманлари ичимлик суви таъминоти тизимларини яхшилаш" ва "Чуст, Поп туманлари ва Жумашуй шаҳарчаси канализация тизимларини қуриш ҳамда реконструкция қилиш" лойиҳаларини амалга ошириш учун молиялаштириш манбаларини аниқлаш ишлари давом этмоқда. Юзага чиқсан ва режадаги ишларимиз кўп. Фақат файрат қилишимиз керак. Фурсатдан фойдаланиб, мамлакатимиздаги барча ҳамкасларимни байрам билан қизғин табриклайман.

**А.МАМАТОВ,  
Наманган вилоят "Сувоқава" давлат  
унитар корхонаси директори**